# Тушини айтиб берган кишига айтиладиган нарса




14:05 / 17.07.2023    1604

Ибн Суннийнинг китобларида ривоят қилинади:
Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ким туш кўрдим, деса:
خَيْرًا رأَيْتَ وَخَيْرًا يَكُونُ

«Хойрон роайта ва хойрон йакун» (Яхшисини кўрдинг, яхши бўлади), дердилар.
Бошқа ривоятда:

خَيْرًا تَلْقَاهُ وَشَرًّا تَوَقَّاهُ خَيْرًا لَنَا وَشَرًّا عَلَى أَعْدَائِنَا وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

«Хойрон талқоҳу ва шаррон таваққоҳу, хойрон лана ва шаррон ъала аъдаина, валҳамду лиллаҳи роббил ъаламийн» (Яхшисига йўлиқасан ва ёмонидан сақланасан. Бу кўрган тушинг бизнинг фойдамизга, душманларимиз зарарларига бўлсин. Оламлар рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтар эдилар, дейилган.